

СОҒЛОМ БОЛАНИ ШАКЛЛАНИШИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

*Алломова Муҳаббат Қодировна ХВПҚҚТМОИ, Педагогика, психология,
менежмент, мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси.*

Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир. Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳиятан турлича ифодалаб келинган бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган.

Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади. Энг оддий ҳаракатдан тортиб то кенг кўламли давлат дастури асосида ташкил этилувчи тарбия доимо муайян мақсадга йўналтирилган бўлади.

Мақсадсиз, маълум ғояни ифода этмайдиган тарбия бўлмайди. Тарбия мақсади асосида унинг мазмуни асосланиб, мақсадни амалга оширишга хизмат қилувчи метод ва усуллар аниқланади. Тарбия мақсадининг муаммоси педагогиканинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Тарбия мақсади умумий ва индивидуал характерга эга бўлиши мумкин. Илғор педагогика умумий ва индивидуал мақсадлар бирлиги ва уйғунлигини намоён этади.

Мақсад тарбиянинг умумий ижтимоий мақсадни ижобий ҳал этишга йўналтирилади ҳамда аниқ вазифалар тизими сифатида намоён бўлади. Демак, тарбия мақсади тарбия жараёнини ташкил этиш асосида ҳал этиладиган вазифалар тизимидир. Аждодлармиз бола тарбиясида, энг аввало, уни меҳнатга ўргатиш, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор беришган. Ўзлари фарзандларига меҳнатсеварликлари билан намуна бўлганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Кримов таъкидалаганидек: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни, бу

нарсa уларнинг собитқадам, ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлилига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарсa давлатимиз ва халқимизнинг раvнақ топишининг асосий шартидир».¹

Таълим-тарбияда мактаб ва оила ҳамкорлиги таълим соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир, чунки ёшларга мактабда берилаётган таълим-тарбия самарадорлиги мактабнинг оила билан ҳамкорлиги нечоғли яқинлиги, мустаҳкамлиги ва тизимли олиб борилишига боғлиқдир. Мактаб ва оила ҳамкорлиги ўзининг кўп аспектларига эга бўлган жараёндир. Ана шундай аспектлар орасида психологик аспект алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи-назардан мактаб ва оила болаларга таълим ва тарбия бериш йўлида ҳамфикрликда олиб борилаётган ишларда болаларнинг ёш даврларни қай даражада ҳисобга олишида ва ўз фаолиятида ёш даврларига мос ҳолда ташкил этиш, айниқса муҳимдир. Ҳар бир ёш даври ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида пайдо бўлади ва ўз навбатида, ўзидан кейингисининг юзага келиш учун замин яратади. Оила ва мактабда бола ҳолати, таълим ва тарбия шакллариининг ўзгариши ҳамда боланинг янгича фаолият шакллари ва ниҳоят, бола организми айрим хусусиятларининг шаклланиши, яъни ёш фақат биологик эмас, балки ижтимоий категория ҳисобланиши билан ҳарактерланади. Шу маънода, ёшлар психологиясида фаолиятнинг етакчи тури ҳақидаги тушунча мавжуддир. Ҳар бир ёш даври учун фаолиятнинг ҳар хил турлари ҳарактерлидир, янги ўйин, ўқиш ва меҳнат кабиларнинг ҳар биттасига эҳтиёж бор. Лекин, бола ривожланишининг хилма-хил даврларида бу эҳтиёжлар турлича бўлади ва фаолиятнинг тегишли турлари ҳар хил мазмун касб этади. Фаолиятнинг етакчи тури мактаб ўқувчисининг психикасида, психологик жараёнлари ва

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.-56.

хусусиятларида муҳим ўзгаришларни вужудга келтиради. Масалан, боғча ёшидаги болалар ўзларига лойиқ шаклдаги таълим ва меҳнат фаолияти билан шуғуллансаларда, улар учун фаолиятнинг етакчи тури ўйин ҳисобланади.

Мактаб ёшида ўқиш фаолиятнинг етакчи тури бўлиб қолади, ўйин ўзининг етакчи аҳамиятини йўқотади. Боланинг ёши улғайган сари меҳнат фаолиятининг роли ортиб боради. Мактаб давридаги таълим давомида ўқиш фаолиятининг мазмуни ва характери ўзгаради. Йил сайин ўқувчининг олдига қўйилган талаб орта боради. Ўқиш фаолиятининг фаоллик, мустақиллик каби ижобий томонлари тобора катта роль ўйнай бошлайди. Ёш хусусиятлари ёшнинг энг типик ва характерли ҳамда ривожланишнинг умумий йўналишини кўрсатадиган жиҳатлари ҳисобланади.

Тарбия-муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни. Бошқачароқ талқин этилганда, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.

Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Тарбия ғояси турлича ифодаланган бўлсада, аммо йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра яқдилликни ифода этади.

Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний шундай дейди: «Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё фалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур»¹. Ушбу фикрлардан англаниладики, шахс тарбияси хуссий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

¹ Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёшуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992. -456.

Таълим-тарбия ишларида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш деганда, мазкур ёшдаги болаларнинг талаблари, имкониятлари, хусусиятларига мос келадиган педагогик иш шакллари, усуллари ва воситаларини қўллаш тушунилади. Ҳар бир халқ оиласининг ўзига хослиги шу халқнинг характерида келиб чиқади ҳамда даврга қараб ўзгаради, такомиллашади. Бошқа халқлар билан ёнма-ён яшаш жараёнида уларнинг характеридаги яхши томонларни ўзлаштириб боради. Чунки, ҳеч қайси халқ маҳаллий маҳдудлик деворига ўралиб яшамайди. Ўзбек халқи, миллат билан миллатнинг иноқ бўлиб яшаши ҳақидаги фикрни «Элга эл қўшилса- давлат бўлади»¹ деб ифодалайди. Бинобарин, ўзбек оилаларида тарбияланаётган ёшлар халқимизнинг ана шундай эзгу ғояларини онгига сингдиради. Ўзбек оилаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири миллатлараро ҳамкорлик, иноқлик туйғуларига содиқлигидир. Бундай маърифий, сиёсий-психологик ҳолатларни турли миллатга мансуб оилаларда кўриш мумкин. Оила ёшларнинг миллий ўзлигини англашда асосий бўғин бўлиш билан бирга, сиёсий руҳиятини, бошқа миллат ёшларига бўлган муносабатини тўғри шакллантиришда муҳим таянчдир. Хулоса сифатида айтиш жоизки, таълим-тарбиядаги оила ва маҳалла ҳамкорлигининг психологик муаммоси кенг қамровли бўлиб, ўзининг фалсафий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда сиёсий жиҳатларига эга.

¹ Педагогика /А.Қ.Мунавваров таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.-87б.